



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan
2012-yil 22-may № 62 (3099) seshanba

Спорт, гўзаллик ва нафосат байрами

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири нихоясига етди



18-20 май кунлари пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган мактаби базасида спортнинг энг гўзал ва нафис турларидан бири — бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди. Мусобақаларда Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи беллашувларида дунёнинг 18 мамлакатидан 120 нафардан ортиқ энг кучли спортчи иштирок этди. Мусобақалар кескин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Уларнинг дастуридан яққаллик ва гуруҳ баҳсларида кўпқураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари жой олди. Аксарият гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан

машқ бажариш бўйича юксак маҳорати, мусика ва ритми яхши ҳис этиши намойён бўлди. Гимнастикачи қизларнинг чиқишлари, гиламдаги энгил, чаққон ва нозик ҳаракатлари томошабинларга завқ бағишлади. Ушбу мусобақалар спорт, айниқса, бадий гимнастика нафақат жисмоний, балки маънавий гўзаллини шакллантириш, шахсни тарбиялашнинг муҳим асосларидан бири эканини яна бир қарра исботлади. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, болалар ва ёшларнинг спорт билан шугулланишига кенг жалб этиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгиланган ҳар томонлама барқамол авлоднинг вояга етказишдек устувор вазифанинг муҳим таркибий қисмидир. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан барча жаҳонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ушбу вазифанинг ихросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармонида

собекалар, жумладан, Олимпиада ўйинларида қўлга киритаётган галабалари ҳам тасдиқлайди. Айни вақтда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш боланинг саломатлиги, ривожланаётган организмга ихобий таъсир кўрсатади. Утган йили Тошкентда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг миллий моделини ўрганишга бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиумда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий етакчи олим ва мутахассислар Ўзбекистонда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аҳоли, биринчи навбатда, болалар саломатлигини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар.

Айниқса, бўлажак оналар — қизларни спортга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамағатини Хомийлик кенгашининг шу йил 10 феврал куни бўлиб ўтган йилгилида таъкидлаганидек, қизларимизнинг соғлом бўлиб ўлганини эртанги кунимизнинг, барқамол авлод дунёга келишининг муҳим омилларидандир. Шу сабабли мамлакатимизда аёллар спортни, жумладан, қизлар орасида оммалашиб бораётган бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон спортнинг санъатга яқин ушбу тури кенг миқёсда ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Ўзбекистонлик кўплаб машҳур гимнастикачиларнинг номлари жаҳон спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бугунги кунда уларнинг ўрнини йирик халқаро мусобақалар ва турнирларда юқори натижалари билан Ватанимиз довуруғини оламга таратиш, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётган ёш спортчилар эгалламоқда. Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан гимнастикачи қизларимизнинг маҳоратини янада ошириш борасида улкан ишлар амалга ошириляптир. Бутун мамлакатимизни қамраб олган бадий гимнастика спорт комплекслари ва мактаблари тармоғи ташкил этилди. Юқори малакали хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар ёш спортчиларни тарбиялашда мамлакатимиз ва хорижда тўпланган илғор тажрибалардан кенг фойдаланмоқда. Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларининг Тошкентда тўртинчи марта ўтказилаётгани ҳам Ўзбекистонда бадий гимнастика юқори даражада ривожланаётганидан далолат беради. ...Энг ҳаяжонли дамлар — голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланади. Майдонга мусобақалар иштирокчилари чиқиб келади. Голиблар номлари эълон қилинади. Кўпқураш баҳслари бўйича биринчи ўринни россиялик Александра Меркулова қўлга киритди. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалига исроиллик Нета Ривкин, бронза медалига эса қозогистонлик Анна Албаева сазовор бўлди. Гуруҳ машқларининг «уч тасма, икки халқа» ва «беш тўп» деб ном олган икки турини бажаришда Ўзбекистон вакиллари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади. Пойтахтимизда ташкил этилган ва аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган ўсмирлар ўртасидаги «Harry Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб равишда намойиш қилди. Разила Фархутдинова тўп ва халқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларига, Валерия Давидова эса тасма билан машқ бажариш натижалари бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Россия биринчи, Беларусь жамоаси иккинчи, Ўзбекистон ёш гимнастикачи қизлари учинчи ўринни банд этди. Халқаро гимнастика федерацияси Техник қўмитаси эксперти, мусобақалар бош ҳаками Ноҳа Абу Шабана бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнирини ёпиқ, деб эълон қилди. У Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва бошқа ташкилотчиларга мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

ий гимнастика спорт комплекслари ва мактаблари тармоғи ташкил этилди. Юқори малакали хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар ёш спортчиларни тарбиялашда мамлакатимиз ва хорижда тўпланган илғор тажрибалардан кенг фойдаланмоқда.

Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларининг Тошкентда тўртинчи марта ўтказилаётгани ҳам Ўзбекистонда бадий гимнастика юқори даражада ривожланаётганидан далолат беради. ...Энг ҳаяжонли дамлар — голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланади. Майдонга мусобақалар иштирокчилари чиқиб келади. Голиблар номлари эълон қилинади. Кўпқураш баҳслари бўйича биринчи ўринни россиялик Александра Меркулова қўлга киритди. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалига исроиллик Нета Ривкин, бронза медалига эса қозогистонлик Анна Албаева сазовор бўлди. Гуруҳ машқларининг «уч тасма, икки халқа» ва «беш тўп» деб ном олган икки турини бажаришда Ўзбекистон вакиллари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизда ташкил этилган ва аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган ўсмирлар ўртасидаги «Harry Caravan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб равишда намойиш қилди. Разила Фархутдинова тўп ва халқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларига, Валерия Давидова эса тасма билан машқ бажариш натижалари бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Россия биринчи, Беларусь жамоаси иккинчи, Ўзбекистон ёш гимнастикачи қизлари учинчи ўринни банд этди.

Халқаро гимнастика федерацияси Техник қўмитаси эксперти, мусобақалар бош ҳаками Ноҳа Абу Шабана бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Harry Caravan» халқаро турнирини ёпиқ, деб эълон қилди. У Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва бошқа ташкилотчиларга мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Навбатдаги спорт, нафосат ва гўзаллик байрами нихоясига етди. Спорт оламида катта воқеага айланган ушбу байрамда кўплаб янги номлар кашф этилди. Мутахассисларнинг фикрича, мусобақаларда халқаро қоидаларга тўлиқ мос равишда, ҳалол кураш руҳида ва адолатли ҳакамлик шароитида ўтди. Тантанали маросим гимнастикачи қизлар ва мамлакатимиз санъат усталари иштирокидаги бадий дастур билан якунланди.

Анна ИВАНОВА, Ўза мухбири. Ёлқин ШАМСИДИНОВ (Ўза) олган сурат



Агрисаноат мажмуи ходимлари касабаси Тошкент вилоят кенгаши Пискент туманидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими (биологатория) ходимлари ҳамда айрим фермер хўжаликлари ишчиларини махсус кийим-бош билан таъминлади.

Фамхўрлик

— «Фаруова Гулҳебра», «Холматова Мўътабар», «Хайдарова Марғуба» фермер хўжалиқларида бўлиб, меҳнат аҳли билан яқиндан суҳбатлашдик, — дейди кенгаш раиси Ҳаким Муродов. — Ҳамиша уларга суянч бўлиш, мушкулларини осон, оғирларини энгил қилиш асосий вазифамиздир.

А. АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Лойиҳа асосида

«2009-2012 йилларда Жиззах вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш бўйича худудий дастурга мувофиқ жами 381 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида 220 та лойиҳа доирасида (30,1 млрд. сўм ҳамда 31,3 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиши ҳисобида) 2484 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг дастлабки чорағида 2 миллиард 336 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 23 та лойиҳа қуввати ишга турилди. Жиззах шаҳри, Баҳмал, Мирзачўл туманларида тўрттадан, Ғалларолда учта, Зоминда иккита, Жиззах, Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор, Янгиобод, Форш туманларида биттадан лойиҳа амалга оширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Шаҳрихон туманидаги Дониёрбек Давлатов бошқари «Расул-Д» фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган.

Қувват ошди

Айни пайтда бу ерда 309 бош зотли қорамол парваришланмоқда. Утган йили 1465 тонна сўт қайта ишланди ва 65 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Янги (гўштни қайта ишлайдиган) технологиянинг ўрнатилиши ишлаб чиқариш қувватини яна 20 фоизга оширди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Фаровонликка хизмат қилади

Оилавий бизнес, шубҳасиз, иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаси ҳисобланади. У янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Яқиндан амал қила бошлаган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» қонун мамлакатимизда мажбурий йўналишни янги босқичга олиб чиқди. Миллий матбуот марказида Марказий банк томонидан «Мустақкам оила йили: Оилавий бизнес ва фаровонликни молиявий қўллаб-қувватлаш» мавзусида ташкил этилган матбуот анжумани соҳа фаолиятини кредитлаш масалаларига бағишланди.

Анжуманда таъкидланганидек, тижорат банклари кичик бизнес субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 1 майига қадар ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 23,6 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиялаштиришга эса 12,6 млрд. сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга банклар томонидан 129,5 млрд. сўм миқдорда кредит берилган. Умуман, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, авваламбор, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳа субъектларига жорий йил барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5 трлн. сўмдан ортиқ миқдорда маблағлар йўналтириш чоралари кўрилмоқда. Мазкур ресурсларнинг қарийб 1 трлн. сўмини микрокредитлар ташкил этади.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКНИНГ ФЕЪЛИ Машина сотиб, боғ яратди

Шўрчи туманидаги Г. Ниёзов номи СИУга қарашли «Баҳридин» фермер хўжалиги раҳбари Бобохон Хушбоқов 35 йил қурилиш ташкилотларида, таъминот базаларида турли лавозимда ишлади. «Баҳридин» фермер хўжалигини тузган, пахта, ғалла етиштириб, режани ошириб бажарди. Бироқ феъл дегани қизиқ бўлар экан, у қутилмаганда ўз хоҳиши билан фермер хўжалигига қарашли ерларни топширди.

Аммо боғ барпо этиш нияти борлиги учун «Баҳридин» фермер хўжалиги фаолиятини расман тугатмади. Аввал «ГАЗ-3110» машинасини, кейинроқ «Нексия»сини сотиб, маблағни Хотамтой адирликларидан фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштиришга сарфлади. «К-700» ва қудратли булдозерларни жалб қилиб, адирликни текислаб, 4,5 гектар ер олди. Кейин бу жойга сув келтириш чорасини излади. Мухими, тушқунликка тушмади. Сураб-суриштириб, пармалаш ишлари билан шугулланганидан хусусий қорхонани топди. Улар билан қудуқ қовлаш ва электр қуввати билан ишлайдиган еростни насосини ўрнатиш юзасидан шартнома имзолади. Бир ойдан кўпроқ вақтда 186 метр чуқурликда қудуқ қазилиб, қувур ташланди. 22 миллион сўмга қазилган қудуқдан еростни насоси ёрдамида йил ўн икки ой сув тортиб олиш имконияти юзага келди. Нихоят ер экин экиш учун яроқли ҳолга келди.

Бугун бу жойда Бобохон аканинг меҳнатсеварлиги эвазига мевали боғ барпо этилди. 600 тупдан кўп қарлик нави ёнғоқ, 100 туп бодом, 200 туп шафтоли ва бошқа мевали дарахтлар яшнар бўлмоқда. Шу мавсумда шафтолилар илк бор ниҳона ҳосил беради. Мевали дарахтлар остида ўстириляётган беданинг ривожини унумдор далаларидан кам эмас. Бир гектар майдонда бугун, 20 сотих ерда пива, 15 сотих жойда парваришланаётган саримсоқ пиёзининг ривожини кўзни қувватлади.

— Уғлим Баҳридиндан ўқийсанми ёки шу ерда ишлайсанми, дея кўнглига қўл солиб қўрдим. Хотамтой адирликларидан боғ яратамиз, одамларга мева улашамиз, деди азамат. — қувониб ҳикоя қилади Б. Хушбоқов. — Боғ яратай, келгусида шу томонларга йўли тушган одамлар «Бобохоннинг боғи» томон борамиз, деб эслаб юришимин.

«Боғ яратган — жаннати», деган ибора юради халқ ўртасида. Ниятимиз — шундай одамлар кўпаяверсин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сержантлар тайёрлаш олий курслари курсантларининг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маълумки, Олий курс ички ишлар идораларининг асосий соҳавий хизматлари учун мутахассис сержант кадрларни тайёрловчи махсус таълим муассасаси ҳисобланади. Шу кунгача бу ерда 15 та йилгини ўтказилиб, патрул-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишдаги хизматлар учун саккиз минг нафардан ортиқ мутахассис сержант тайёрланди.


Қасамёд

Навбатдаги йилгидан қасамёд қабул қилувчи 600 нафар курсант бор ой давомида бошлангич тайёргарликдан ўтказилди. Олий курснинг профессор-ўқитувчилари томонидан уларнинг жисмоний, жанговар, касбий, ахлоқий, маънавий ва руҳий тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув ҳамда амалий машғулотлар олиб борилди. ИИВ Академиясини бошлиғи, полковник Ш. Икромов таъкидлаганидек, бу ерда курсантларнинг чуқур билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ аудиториялар, маъруза заллари, компьютер, замонавий техника воситалари билан таъминланган.

Маросимда сўзга чиққан Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев вазирлик раҳбарияти номидан курсантларни ушбу шодиёна кун билан табриқлаб, Қасамга содиқлик инсоннинг энг улуғ хислатларидан бири эканини таъкидлади. Курсантлар ўз хизмат вазифаларига киришган, бор куч гайратларини сафарбар этиб, эл-юрт тинчлиги учун курашишларига ишонч билдирди.

Шундан сўнг курсантлар тадбирга йилгилан ота-она, яқинлари, дўстлари, устоз ва офицерлар гувоҳлигида Ватан, халқ ва Президентимизга содиқ бўлишга қасамёд қилди.

— Бугун оиламиз учун катта шодиёна кун. Набирам Ма-



лихон қиз бола бўлишига қарамай, ички ишлар ходими бўлишдек маъсулиятни зиммасига олди. У билан бирга қасамёд қилган дўстларининг устозлари, ота-оналари, халқимиз олдида юзлари ёруғ бўлсин, — дея дуо қилди Бобот тумани Бешарқ қишлоғидан келган 73 ёшли Шукржон момо Эшнйёзова.

Тадбирда ота-оналар, курсантлар ва Олий курс профессор-ўқитувчилари сўзга чиқиб, барчани шодиёна билан табриқлади. Тадбир сўнггида байрам дастурхони ёзилиб, Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг чиқишлари даврага файз киритди.

У. ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

Шиддат билан илгариланган замон касаба уюшма ташкилотларидан янги ёндашуви талаб қилмоқда. Айниқса, жамоа шартномаларига имтиёзлар киритишда Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида Бош келишувнинг имзоланганлиги, Марказий Кенгаш томонидан йирик компаниялар билан тариф келишувларига ўтирилиши жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, иш берувчи ва бошлангич ташкилот ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

Жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланиб, йил дастурлари ижроси таъминланганлиги. Утган йил режалаштирилган барча ишлар муваффақиятли яқинига етказилганлиги бунга бир мисол. Аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларида 90 101200 сўм миқдорида маблағ сарфланиб, 5632 нафар ишчи-ходимнинг кўнгли олинди. 2000 нафар бола ёғзи соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Тармоғимиздаги саноат корхоналарида ҳар бир ишчи-гўшакчи тўла нафақа қўшимча даромад миқдори жамоа шартномаларига кўра, 2 млн. 950 минг сўмни ташкил қилади. Лекин корхона ва ташкилотларда энг кам иш ҳақи миқдори жамоа шартномалари шарофати билан одатдагидан 1,5-2,5 маротаба юқори бўлиши таъминланганлиги.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида «Western internet servis» хусусий корхона ташкил қилиниб, янги иш ўринлари яратилди ва тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳисобидан 10,0 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Корхона ва ташкилотларда «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича амалиёт ўтаган коллеж битирувчиларининг 583 нафари шу жойларда ишли бўлди. Тармоқ касаба уюшма вилоят кенгаши тизимидаги меҳнат ахлини республиканинг бой маданий мероси билан ақиндан таништиришга ҳаракат қилаяпти. «Водийгазтаъминот» УК Бухоро, Самарқанд йўналишлари бўйича, ФНҚИЗ ШУК, Фарғона иссиқлик электр маркази ОАЖ, Фарғона электр тармоқлари ОАЖ каби корхоналарнинг ишчи-ходимлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқиди. Тармоқ тизимидаги маданий муассасаларида ташкил этилган болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида «Истиқлол гунаҳлари» ҳамда «Ўзбекистон, сени қўлайман!» фестиваллари юқори савияда ўтказилди. Баъзи жамоаларимиз республика босқичида ҳам фахрли ўринларни эгаллашди. Кенгаш тасарруфидаги спорт мажмуаларида 30 га яқин спорт тури бўйича секция ва тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Спортчиларимиз республика, жаҳон

миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишяпти. Ишчи-ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида ҳам намунали ишлар қилинди. Кенгаш тизимида ҳар йили «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» кўрик-танлови ўтказилаётди. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси назоратчиларини моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 266 млн. 161 минг сўм сарф этилди ва харажатларнинг асосий қисми корхоналарда тузилган «Меҳнатни муҳофазаси» қилиш «фонди» орқали қопланди. Ташкил этилган «доимий меҳнат консалтациялари бўйича комиссиялар» ҳуқуқий масалаларда мурожаат қилаётган ишчи, ходимларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришда, меҳнат жамоаларида турли мавзудаги давра суҳбатлари, савол-жавоблар ўтказиб, меҳнат ахлининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва бошқа шунга ўхшаш ишларда фаоллик кўрсатмоқда. Вилоят кенгашига келиб тушган 40 та ариза ва шикоятнинг 35 таси ижобий ҳал қилиниб, мурожаат этганларнинг ҳақ ва ҳуқуқлари тикланди. Сапура МҶМИНОВА, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси

Эзгуликка камарбастамиз

Аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, ишчи-хизматчи ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги вазифалар соҳа етакчиларидан жонқуярликни талаб этади. 77 та ташкилотни қамраб олган кенгашида 11 мингга яқин фидойилар хизмат кўрсатмоқда. Кейинги беш ойда соҳа тегишли мутахассислар тайёрлаб берувчи 4 та коллеж жамоа ва ўқувчилари ҳам сафимизга қўшилиб, аъзоларимиз 5993 нафарга кўпайди. Миқдор ошиши касаба уюшмага нисбатан ишонч белгисидир. Янгидан очилган ҳамда хусусий тарзда ташкил этилаётган корхоналарни тарқатиб олиш ишлари ҳам давом этаёпти. Бир вақтнинг ўзида меҳнат муҳофазасининг тўлақонли таъминланиши учун амалий ёрдам кўрсатилаётди. Корхоналарда ишчи-ходимлар ойлик маошларининг вақтида тўланиши доимий назоратда. Иш ҳақидан қарздорлик юзасидан мавжуд ташкилотлар раҳбарлари номига тақдимнома киритилиб, масала ечимига ҳаракат қилинмоқда. Мана бир мисол, «Жанубсаноатомтаж» ОАЖда сўнгги ойларда 500 миллион сўмдан зиёд иш ҳақи вақтида эгаларига етказилмаган эди. Касаба уюшмалари аралашуви билан муаммо ҳал этилди. Бугунги кунда «Қизилқумцемент» ОАЖ, Навоий КХСИФК, Хатирчи Йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси сингари ўнлаб корхоналарда меҳнат муҳофазаси талаб даражасида йўлга қўйилмоқда. Яқинда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув-семинарда ташаббуснинг ҳар бир корхонага кириб бориши, тизим ишларини тўдан яхшилаш масаласига асосий эътибор қаратилди. Хусайн ИБРАГИМОВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси

Касабақўмлар том маънода меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қиладиган адвокатга айланиши учун Уз КУФК томонидан кўп ишлар амалга оширилиб, тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун касаба уюшма етакчисининг ўзи мавжуд қонунларни, айниқса, меҳнат қонунларини яхши билмоғи зарур.

Ходимнинг холис адвокати

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги бошлангич ташкилот етакчилари иштирокида ўтказилган ўқув-семинар айнан шу мақсадларга хизмат қилди. Тадбир баҳонасида энг фаол ҳамширалардан 30 нафари тармоқ кенгашининг махсус совғалари билан тақдирланди. Шундан сўнг кенгаш раиси Г. Тўхтаева касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва олдinda турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди. Семинарда Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳуқуқшуноси Н. Асадова, маданий-маърифий ҳамда спорт ишлари бўлими мутахассиси Н. Толипова маъруза қилди. — Касабақўм меҳнаткашнинг холис адвокати бўлмоғи шарт, — деди тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши мутахассиси Х. Асатова. — Бунда жамоа шартномаси бизнинг асосий



қуrolимиз. Шундай экан, унинг бажарилишини қатъий назоратга олиш биринчи галдаги вазифамиздир. Касаба уюшмалари маблағлари, сарф-харажатлар сметаси, ижтимоий сўғурта маблағларидан тўғри фойдаланиш, расмийлаштиришга оид молиявий ишлар тўғрисида тармоқ касаба уюшмаси кенгаши бош ҳисобчиси Г. Абдуллаеванинг маърузаси кўпгина саволларга ойдинлик киритди. Иш юритиш тартиби ва бошқа ташкилий масалалар юзасидан тармоқ касаба уюшма кенгаши мутахассиси О. Адиллов маълумот берди. У бу йўналишдаги масалаларда туман бирлашган тиббиёт касаба уюшма кўмитаси фаолиятини юқори баҳолади. Ўқув-семинар ўз мазмун-моҳиятига кўра маҳорат мактабига айланди. Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Меҳнат ҳуқуқи

Бугун мамлакатимизда ёшларни эгаллаган касб ва мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келиняпти. Хусусан, битирувчиларнинг меҳнат муносабатларига киришишларидан олдин, уларни мазкур муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларидан хабардор этиш, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий билимларини юксалтириш, қонунчиликда нақарда тутилган имтиёз ва кафолатлар юзасидан маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги касаба-хунар коллежлари ва академик лицейларда «Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари» мавзуда семинарлар ўтказилляпти. Учтала миллий хунармандчилик ва Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежларида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими ҳуқуқшунослари, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ваколлар ва коллежнинг педагогик жамоаси ҳамда 200 га яқин талабалар иштирок этишди. Тадбирлар савол-жавобларга бой бўлди. Хусусан, Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежининг М.Ақбаралиев, Д.Зоиоров, К.Маҳкамов, Э.Муротов, М.Очилов каби фаол талабалари ҳозирги кунда меҳнат ва таълим соҳасида ёшларни қизиқтираётган масалалар юзасидан чиқишлар қилишди. Битирувчилар ҳамда коллеж жамоасининг долзарб мавзулардаги саволларига мутахассислар томонидан атрафлича жавоб берилди. Шунингдек, Тошкент туризм ҳамда радиотехника касб-хунар коллежларида уюштирилган шу мавзудаги тадбирларда юздан ортқ ўқувчи ва педагоглар катнашди. Семинарларда сўзга чиққан коллеж раҳбарлари ва ўқитувчилар ёшларнинг меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги билимларини юксалтириш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилаётган бу каби тадбирлар битирувчиларнинг иш жойларида муваффақиятли фаолият юритишларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, тадбир ташкилотчиларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришди. ЎзКУФК Юридик бўлими

Кизиқарли саёҳат

Бошлангич ташкилотнинг томонидан аъзоларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тарихий шаҳарларга саёҳат уюштириш нафақа вақтининг кўнглидагидек ўтишини кафолатлайди, балки инсонга маънавий куч бағишлаб, руҳан тетиклаштирилади. Яқинда касаба уюшма кўмитаси Самарқанд, Бухоро шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтган жамиятимиз ишчи-хизматчилари бунинг мамнуният билан эътироф этишди. Бу каби тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, аъзоларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий вазифаларимиздан бўлиб қолавереди. Г. ГАПУРОВА, «Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Услубий ва амалий кўмак

Туман, шаҳар бўгинларидаги касаба уюшма органлари, бошлангич ташкилотларга юқори ташкилотларнинг амалий ёрдам кўламини кенгайтириш, касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўзаро таъриб алмашишни йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон КУФК томонидан туман кенгашлари, бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш ва тақомиллаштириш, уларнинг мавқенин ошириш мақсадида барча вилоятларда биттадан туман касаба уюшма ташкилотлари белгиланиб, худуддаги барча бошлангич ташкилотлар, туман кенгашлари фаолиятининг намунали йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ деб топилди, тумандаги бошлангич касаба уюшма ташкилотлари базасида бошқа шаҳар ва туманлар бошлангич ташкилотлар раислари учун ўқув-семинарлар ўтказиб, фаолиятини ўрганиш, таърибаларни оммалаштириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши ана шу талабдан келиб чиқиб, Зоминда «Туман кенгашлари, бошлангич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш» мавзуда ўқув-семинар ўтказди. Иштирокчилар дастлаб туманнинг олис ва чекка «Қангли» қишлоғида жойлашган 6-умумтаълим мактабидан бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди. Мактаб бошлангич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Зу-

лайхо Ортиқова маъмурият билан яқин ҳамкорлик кучли ижтимоий шериклик тамойили асосига қурилганини мисоллар билан тўшунтириб берди. Ташкилотда 56 нафар ходим ҳисобда туради. Жамоада тўрт нафар кам таъминланган оила вакили, шунингдек, фарзандлари 12 ёшга тўлмаган ўн уч нафар аёл меҳнат қилади. Уларнинг барчаси жамоа шартномаси орқали ижтимоий ҳимояга олинган. «Меҳнат муҳофазаси — касаба уюшма эътиборида» бурчаги зарур қўлланма ва кўргазмалар қурилган билан бойитилган. Алоҳида стенд ва буклетлар касаба уюшма фаолиятини акс эттириб турибди. Касаба уюшма ташкилоти хонасида келган ҳар бир ходимга ўзи учун керакли маълумотни қийинчиликсиз олиш имконияти яратилган. Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида мактаб ободончилиги, томорқадан фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш борасидаги ишлар таҳсинга қўйилди. Ховлида 2250 туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари, сабзавот ва полиз экинлари яшнаб турибди. Биология фани ўқитувчиси З.Мирзабеков банкдан олган кредит ҳисобига иссиқхона кургани эса ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ўқувчилар йил давомида мактаб ёрдамчи ҳўжалиги ҳисобидан бепул тухум ва парҳез гўшт билан таъминланмоқда. Ўқув-семинар иштирокчилари туманнинг Юқори Бирлашган, Лайлақуя қишлоқларида жойлашган 51-, 16-умумтаълим мактаблари бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ҳамда туман тармоқ касаба уюш-

ма кенгаши ишлари билан ҳам яқиндан танишди. Анжуман якунида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Ё. Рустамов ва бошқалар тақдир-мулоҳазаларини билдиришди. Таъкидландики, туман тармоқ кенгаши ва бошлангич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятини намунали тарзда ташкил этиш, уларни тўғри йўлга қўйишда вилоят тармоқ касаба уюшмаси ҳамда бирлашма кенгашларининг услубий ва амалий кўмақларига таянिलाди. Ана шундай ўқув-семинарлар Зоминдаги бошқа туман тармоқ касаба уюшма ташкилотларида ҳам ўтказилмоқда. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

уюшма ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишишди. Тепакўрғон педагогика ва сервис коллежидан бўлиб ўтган якуний йиғилишда эса бу борадаги ишларни ташкил этиш юзасидан таърибга алмашилди. Ҳар бир иштирокчига услубий тавсия ва қўлланмалар тарқатилди. Д. РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Анджон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қарорига мувофиқ Таълим, фан ва маданият ходимлари Олтинқул туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси «Энг намунали туман кенгаши» деб топилди. Туман кенгаши раиси Мухаббат Султонованинг билдиришича, бирлашган касаба уюшма кўмитаси сафида 4036 нафар аъзо бўлиб, улар 51 та умумтаълим мактаби, 3 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 21 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та мактабдан ташқари муассасаларда меҳнат қилиб келади. Жами 82 та бошлангич ташкилот фаолият юритади. Аъзоларнинг 3205 нафари аёллар бўлиб, 328 та аъзо хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида иш олиб боради. Бу комиссиялар яратилган хавфсиз шарт-шароитларни, меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар ва комиссиялар ишини ҳамда Меҳнат кодексини, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини жамоатчилик асосида назорат қилиб бормоқда. Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ЎЗКУФК СИХАТГОҲЛАРИДА

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси туризми, жумладан, тиббий туризми намунаси бўлган қўйиш борасида илҳом фаолият юрляпти. Тизимда жами 15 та санаторий бўлиб, уларнинг 2 таси очик акциядорлик жамияти, 12 таси масъулияти чекланган жамият ва 1 таси унитар корхонадир.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастурига биноан бошқарма тасарруфидоги санаторийларда жорий йилнинг биринчи чорагида кам таъминланган 139 нафар она ва бола соғломлаштирилди.

Тиббий туризмни ривожлантириш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Шундан келиб чиқиб, ўтган йил ЎЗКУФК санаторийларида 958 нафар, бу йил (ҳозирча) 474 нафар чет эл фуқароси даволанди ва хордик чикарди. Кўрсаткичнинг янада юқори бўлиши учун сиҳатгоҳларни замонага мослаштириш, уларни тараққий топган давлатлар тиббий ўчоқларидан қолшимайдиган даражага кўтариш тақозо этилади.

Бу йилда жиддий саъй-ҳаракатлар кўрсатилаётган. Жумладан, хоржий санаторийлар фаолияти билан яқиндан танишиш учун бир гуруҳ соҳа ходимларини чет элларга юбориш назарда тутилмоқда. Бошқа мамлакатлардан келган дам олувчилар билан эркин мулоқот қилиш билан уларнинг санаторийлар ходимларига инглиз, рус ва бошқа халқаро тилларни ўргатиш зарур бўлиб, айни чоғда «Турон» ва «Чинобод» да рўйхатхона ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида инглиз тили бўйича илк машғулотлар олиб борилапти.

Дарвоқе, «Зомин» санаторийсида қурилган осма йўл (канатная дорожка) ҳам айна мудабо бўлди. «Чинобод» ва «Турон» санаторийлари жаҳон стандартларига мос ускуналар билан тўла жиҳозланди. Ноанъанавий даволаш усуллари йўлга қўйилди. ВРА салонлари ташкил этилиб, беморларни даволашда (чет элдан махсус бюртма асосида келтирилган, соғломлаштириш хусусиятига эга бўлган) «Гарра

Хорижликлар

Ўзқўйиш ҳам қизиқяпти



руфа» балиқларидан кенг фойдаланилапти. «Оқ-Тош», «Зомин», «Чортоқ», «Косонсой» санаторийларида шифобахш туз горлари мавжуд бўлиб, улар инсон саломатлигини тиклашда жуда фойдали ҳисобланади. Эндликда бундай горлар «Бўстон», «Қашқадарё соҳили» санаторийларида ҳам барпо этилди. «Нуга Бест» аппарати ва биокимёвий анализаторлар ҳам сотиб олинди. «Ботаника» санаторийси замонавий БТЛ тиббий қомбанига эга бўлди. «Турон», «Қашқадарё соҳили» санаторийлари учун анги, замонавий душ кафедралари харид қилинди.

Тарғибот-ташвиқотда ҳам гап кўп. Шунинг учун сиҳатгоҳлардаги даволаш жараёнлари, мавжуд шарт-шароитлар, санаторийларнинг жойлашган географик ўрни ва унинг ён-атрофидоги гузал борлиқни акс эттирган роликлар телевидение, радио ва интернет орқали мунтазам равишда реклама қилинапти.



Улар банер, алоҳида фотосуратлар кўринишида ҳам кенг ёритилапти. Ўзбек, рус, инглиз тилида чоп этилган буклет, календарлар санаторийларга келувчи ҳар бир мижозга тақдим этилади. Аэропорт, темир йўл вокзали ва аҳоли зич тўпланадиган жойларда (Корзинка.уз, Мега Планет, Континент сингари супермаркет ва гипермаркетларда) Антаракт (суик кристалли экран) қурилмаси орқали санаторийлар фаолияти тўғрисида атрофича хикоя қилинмоқда.

Санаторийларимизни жаҳон миқёсидаги етук тиббий муассасаларга айлантириш учун салмоқли қадамлар қўйилди. Масалан, шу йилнинг ўзида «Косонсой» санаторийсининг ошхона, ётоқ корпуси, ички ва ташқи қисмлари тўлиқ, «Қашқадарё соҳили» санаторийсининг ётоқ корпуси, диагностика бўлими, лабораторияси, «Турон»нинг сауна, минерал сувли ёпиқ сув хавзаси, сув билан даволаш бўлимининг бир қисми

моқда. «Бўстон», «Умид гулшани», «Чортоқ», «Чимён» ва бошқа санаторийларнинг ҳам ётоқ биноларида реконструкция ишлари бажарилди. Шу йилнинг 1-чораги давомида жорий таъмирлаш учун 488 млн. 205 минг сўм, қурилиш ва реконструкция ишларига эса 1.615 млн. сўм маблағ сарф бўлди.

Санатор-курортлар бошқармаси ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда муомала маданиятини юксалтиришга ҳам жиддий киришган. Йил бошидан буён ўтказилган ўқув-семинарлар ва бошқа тадбирлар шу мақсадга хизмат қилади. Соҳа ходимларининг билими Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида янада қарқинмоқда. «Устоз-шогирд» тизими бўйича ташкил этилаётган амалий машғулотлар гоётада самарали кечаётган.

Томорқа ишларига ҳам эътибор кўчайтирилди. «Чимён» МЧЖда ўтган йили 150 кг. қўқат, 200 кг. турп, 300

кг. қуруқ мева етиштирилган. Бу йил картошка, помидор, булғор қалампир, турпдан юқори ҳосил олиш ниятида астойдил меҳнат қилинапти. «Оқ-Тош»-ликлар 8 гектар майдонда асаларчилик билан шуғулланишга жазм этишди. «Ситорай Моҳи Хосса» санаторийси худудидо қаровисиз ётган 2 гектар ерга ишлов берилиб, картошка, пиёз, помидор, бодрич, булғор қалампир, баклажон, ловия экилди. «Чинобод» ОАЖ дагилар ўтган йил 2 гектар ерда 3 тонна картошка етиштириб, эҳтиёжлари учун ишлатишганди. Бу йил 0,6 гектар майдонга беда уруғи себилди. Худуд чеккасидаги 0,1 гектар ерда сулғурги экиш учун тайёрланапти. Қандили диабет хасталиги билан оғирган беморларга парҳез таом турларини янада кўпайтириш мақсадида 0,1 гектар майдонга топинамбур қўчати қадалди. «Ботаника» санаторийси ҳовлисидаги хурмо ва ёнғоқ дарахтлари ҳосилдан дам олувчилар ҳам баҳраманд бўлилапти. Таомлар учун экилган қашниқ, укроп, пиёз каби қўқатлар ҳам буй кўрсатди. «Чортоқ», «Бўстон», «Қашқадарё соҳили», Абу Айб ибн Сино номли сиҳатгоҳлар жамоаси ҳам ўз ерларидан унумли фойдаланилапти.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг 2012 йил 27 февралдаги 32к-ПО-сонли ҳамда 26 мартдаги 59к-ПО-сонли буйруқларига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, О.Хотамов номли кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,035 гектардан иборат бўлган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 1 ва 2-сонли ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқлари (сотилш ҳуқуқисиз) аукцион савдоларига тақоран қўйилмоқда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 3 003 000 сўмдан.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 21 июни куни соат 10:30да, савдо ташкилотчиси - «КМСХ» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали жойлашган манзил (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй) да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомалар мазкур манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Бюртманомаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 20 июни куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридоги ер участкалари 2012 йил 21 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақоррий аукцион савдолари 2012 йил 20 июли куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Бюртманомаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 20 июлдаги тақоррий савдолар учун бир кун олдидан соат 18:00да тўхтатилади. Талабгор шахслар ер участкалари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг масъул ходимлари иштирокида жойига чиқиб таништирилади. Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кундан кечикмай ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартнома тузиш мажбурияти юклатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган зақалат келишувига асосан, ер участкалари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини (савдо кунига тақалатчиликнинг ҳисоб рақамига келиб тушадиган муддатларда) ОАИКБ «Ипак йўли» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамга исталган шаклда тўлашлари шарт: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ташкилотчисининг веб сайти www.1kms.uz. Тел: (+99871)233 23 49. Лицензия: RR-0001.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидо ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорларига асосан, «TOSHSNANARYUKTRANS»-UYUSHMASI, AVTOJAMLANMA 2505 корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ағорд кўчаси, 42-уй манзилда сақланаётган қўйидаги жаҳвалда кўрсатилган юк ташинг автотранспорт воситалари тақоран очик аукцион савдоларига қўйилмоқда:

№	Автотранспорт воситаси	Йил и/ч	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1.	Зил-431412	1987	10 AX 439	6 796 000
2.	Зил-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 950	6 796 000
3.	Зил-431412	1986	10 AC 691	6 723 000
4.	Зил-431412 ТСВ-6,7	1988	10 AX 436	6 875 000
5.	Зил-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 974	6 796 000
6.	Зил-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 727	6 796 000
7.	Зил-431418 ТСВ-7	1987	10 AX 774	7 159 000
8.	Зил-431412 ТСВ-6,7	1987	10 AX 401	6 796 000
9.	Зил-431418 ТСВ-7	1988	10 AX 026	6 875 000
10.	Зил-431412	1991	10 AX 286	7 159 000

Аукцион савдоси 2012 йил 8 июни куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 6 июни куни соат 18:00.

Юқоридоги мулк 2012 йил 8 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақоррий аукцион савдолари 2012 йил 25 июни, 11 ва 26, июли кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 25 июндаги тақоррий савдолар учун 2012 йил 22 июни куни соат 18:00, 2012 йил 11 июлдаги савдолар учун 2012 йил 9 июли куни соат 18:00 ҳамда 26 июлдаги савдолар учун 2012 йил 24 июли куни соат 18:00.

Савдо голиб деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридоги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»-нинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850 ОКОНХ 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй. Телефон: 233-20-96. www.rmm.uz.

Гулистон шаҳар ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси олинган 2007 йил 11 сентябр 083-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган «Бахт» хусусий фирмаси тугатилади. Қўшимча маълумотлар учун Гулистон шаҳри Поноҳова кўчаси 1-уйга мувожаат қилиш мумкин.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш, уларга қўмақлашиш ва ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш борасидаги оқилона сиёсат натижасида соҳа иқтисодийнинг муҳим сектори сифатида шаклланди. Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган «Солиқ сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш масалалари» мавзусида анжуманда оммавий ахборот воситалари вакилларига яратилаётган солиқ имтиёзлари ва афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбиркорларга янги имтиёзлар

Жумладан, ўтган йили микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилди. Бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағ ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини берди. Жорий йил тадбиркорлар учун янада хайрли келди. Саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизгача туширилди.

Айтиш жоизки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Қонунга мувофиқ, корхона белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўлайди. Унинг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилиши мумкин.

2012 йил 2 май кунини яна бир муҳим ҳужжат — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

Унда баъзи масалалар кенгрок ёритилди, айрим янги нормалар киритилди. Жумладан, қонуннинг 6-моддасида хунар-мандчилик фаолиятини амалга ошираётган яқна тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни (уларга тегишли ҳақ тўлаган ҳолда) жалб этишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 11-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқининг устуворлиги принципини амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча барта-раф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 39-моддасида эса назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишининг бошланғичидан камида ўттиз календар кун олдидан тадбиркорлик субъектини текширув муддати ва предмети кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Матбуот анжумани иштирокчилари шу ва бошқа масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Оллоназар ОКНАЗАРОВ

Сўраган эдингиз

САВОЛ: Собик турмуш ўртоғим билан икки нафар фарзанд кўрганмиз. Ҳозирда у ҳеч қаерда ишламайди. Болалар учун алимент миқдори қандай белгиланади? Яқинда кичик кизим оғир бетоб бўлди. Уни операция қилиш учун кетган харажатларнинг бир қисмини собик турмуш ўртоғим тўлаши керак эмасми?

Н. АКРОМОВА,
Наманган шаҳри

ЖАВОБ: Мамлакатимиз Оила кодексига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортик бола учун — ярмиси миқдоридо ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисmidан кам бўлмаслиги керак.

Шунингдек, ота-она фавқуллода ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳолини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Техника хавфсизлигимиз

ёки хавфсизлик техникаси?

Кейинги пайтда бу жумлаларни ишлатиш борасида тортишувлар содир бўлмоқда. Бу борада билимдонлик қилиш ниятидан йироқмиз, аммо мулоҳаза билдирсак ёмон бўлмас, деб ўйлайман. Ингарилари бир ёқлама талқин қилинган бу ибора, кейинчалик том маънода қўлланила бошланди. Техника, яъни механик ускуна тўғрисида гап кетганда, «техника хавфсизлиги» иборасини ишлатса ҳам бўлар, аммо меҳнат шароити хусусида гапирганда «хавфсизлик техникаси» деб ишлатиш тўғрроқ.

Масалан, 2000 йил 12 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қароридо «саноатда ва қончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой мuddатда ушбу Дастурга кирмаган стандартларни, хавфсизлик техникаси қоидаларини, са-

нитария норма ва қоидаларини таҳлил қилсинлар, мулкчилик шаклиридан ва ишлаб чиқариш усулларида қатъи назар, корхоналарда келгусида қўлланиш учун қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг аниқ режаларини тузи синлар» деб ёзилди. «Санитария-эпидемиология муассасалари лабораторияларида (булинмаларида ва бўлимларида) ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида электр асбоб-ускуналарни кучланишини ўчирмасдан туриб ишларни амалга оширишнинг иложи бўлмаган ҳолларда (созлаш, режимларни ўлчаш, ўчириб-

МУЛОҲАЗА

ёқиш ускунасида яқши контраст бўлмаслиги, токнинг йўқолиб қолишини ўлчаш) кучланиш остида ишлашга рухсат берилмади. Бундай ҳолларда ходим кучланиш остидаги қисмга тегиб кетишдан эҳтиёт бўлиши, хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя қилиши лозим», деб белгиланган.

Ушбу жумлаларни юридик жиҳатдан тўғри ишлатишда солиштириш учун энг муҳим ҳужжатлардан бири 2009 йил 30 сентябрдаги «Электр энергетикаси тўғрисида» Ўзбеки-

тон Республикасининг Қўни ҳисобланади. Ундаги «электр энергетикаси соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишлар» ибораси бизнингча жуда ўринли ишлатилган.

Луғатларда «техника» сўзининг биринчи маъноси: ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроли ва воситаси мажмуи, шунингдек, инсоннинг уларни тайёрлаш ва тақомиллаштириш билан боғлиқ фаолияти. Масалан, техникани ривожлантириш дегимиз. Ёхуд у ёки бу турдаги меҳнат қуроли ва во-

ситасини қўллаш тармоғи, айтайлик, қурилиш техникаси. Иккинчи маъноси: машина, механик қурол, қурилма: техникани асрайлик деймиз. Учинчи маъноси: санъатда, маҳорат кўрсатишда ёки бошқа бир ишда фойдаланиладиган касбий усул мажмуи: шахмат ўйини техникаси. Ёхуд, шундай маҳоратга эга киши. Демак, хавфсизлик техникаси, бу меҳнат шароити хавфсизлигини (беҳатарлигини) таъминловчи восита ва иш услуби тизимидир.

Довуд МАДИЕВ

